

ПАСТ ОКТАНЛИ БЕНЗИН ТАРКИБИДА БЕНЗОЛ МИҚДОРНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Махмудов М.Ж.

Калим сўзлар: бензин, бензол, ректификация, экстракция, адсорбция, гидроизомеризация

Бугунги кунда энергетик системалар ривожланиши ва экологик тоза ёқилғи турларига ўтишга йўналтирилган янги маҳаллий, регионал ва дунёвий реалликка мослашуви, нефт ва газ ҳамда кўмирдан фойдаланишга асосланган иқтисодиёт ўзгаришига олиб келмоқда. Янги янада сифатлироқ ёқилғи турларига ўтиш катта инвестицияни талаб этади, аммо айнан ушбу ишлаб чиқариш соҳаларини модернизациялаш иқтисодий, социал ва экологик каби алоҳида йўналишлар тараққиётининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Нефт ва газ маҳсулотларига бўлган талабларнинг кескин ортиб бориши, дунёда турли жиддий экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида нефт маҳсулотларини сифатини яхшилаш ва маҳаллий хомашёлар ҳамда технологиялар асосида экологик тоза нефт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ёқилғи саноати автобензин ва дизел ёқилғисини антидетонацион ва экологик хоссалари бўйича Европа стандартлари (Euro-3, Euro-4, Euro-5) талабларига ўтишни амалга оширмоқда (жадвал 1) [1].

Жадвал 1

Бензин сифатига қўйилган замонавий талаблар

Кўрсаткичлар	Талаблар		
	Евро-3	Евро-4	Евро-5
Бензол миқдори, %	1,0	1,0	1,0
Олтингугурт миқдори, %	0,015	0,005	0,001
Ароматик углеводородлар миқдори, %	42	35	35
Олефин углеводородлар миқдори, %	18	14	14
Кислород миқдори, %	2,3	2,7	2,7
Фракцион таркиби, %:			
Тўйинган буғ босими, кПа	ёз 70 қиш 90	ёз 70 қиш 90	ёз 70 қиш 90

Агарда бензин мисолида оладиган бўлсак, юқорида келтирилган (Euro-3, Euro-4, Euro-5) талабларига жавоб берувчи бензин олиш учун нафақат унинг октан сонини ошириш, шу билан бирга бензин таркибида олтингугурт, oleфин ва ароматик углеводородлар (хусусан бензол) миқдорини камайтириш лозим. Шу билан бир қаторда, ортиқча ароматик углеводородларни изопарафинларга ўтказиш, бензин таркибига кислородсаклаган компонентлар, антиоксидловчи, юувчи ва бошқа керакли қўндирмаларни қўшиш лозим.

АИ-80 бензини гидроизомеризациялаш орқали Евростандарт меъёрларига жавоб берувчи юқори октанли бензин олиш мумкин.